

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020. FП.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА РОҲИЛА ЮСУФЖОН ҚИЗИ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАРАКТЕР ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИКЛАР
СЕМАНТИКАСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление
автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content
of the abstract of doctor of philosophy (PhD) on philology**

Абдуллаева Роҳила Юсуфжон қизи Ўзбек тилида характер ифодаловчи бирликлар семантикаси	3
Абдуллаева Роҳила Юсуфжан кизи Семантика характеровыражающие единицы на узбекском языке.....	25
Abdullaeva Rohila Yusufjon kizi Semantic of character meaning units in Uzbek language	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020. FП.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА РОҲИЛА ЮСУФЖОН ҚИЗИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАРАКТЕР ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИКЛАР
СЕМАНТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil447 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холманова Зулхумор Турдиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Маматов Абдуғофур Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Кўкон давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » « 07 » соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 уй; тел: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)


Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (512 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 уй. Тел: (99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2021 йил « 28 » 06 куни тарқатилди.
(2021 йил « 26 » 06 даги 5 рақамли реестер баённомаси).




Н.М. Улуков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


И.Ў.Дарвишов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. фан. фалс. докт.


Х.А.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фанида характер мавзуси билан қизиқиш қадимги антик даврлардан бошланган. Жаҳон тилшунослигида характер ифодаловчи бирликларни оламнинг лисоний манзараси, миллий характер, миллий маданият ва миллий колорит, ахлоқий меъёр ва менталитет, ижтимоий-маданий муносабатлар асосидаги талқинига бўлган эътибор ошди. Миллий лисоний манзарага хос характер белгили когнитив-семантик антропоинант бирликларнинг ўзига хос лексик-семантик хусусиятларини психоллингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика, прагмаллингвистика, лингвокультурология ва ментал, когнитив тилшунослик йўналишларида антропоцентрик парадигма асосида ёритиш дунё тиллари ўртасидаги муштарақ жиҳатларни белгилашда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Дунё тилшунослигида янги замон кишисининг лисоний имкониятларини очиб бериш асносида унинг ички дунёси, рухий ҳолати, кайфияти ва турғун, барқарор хислатларининг нутқ билан бевосита алоқадорлиги, инсон характерини акс эттириш учун қўлланувчи бирликларда миллий-маданий белгининг намоён бўлиши, характер ва темперамент тушунчаларининг лингвистик таърифини яратиш зарурати хусусидаги қарашлар илмий тадқиқотлар асосида ўз тасдиғини топиб келмоқда. Бу борада миллий лисоний манзара, матн, фразеологик ва паремиологик фонд асосий манба вазифасини бажариб, уларнинг антропоцентризм йўналишлари асосидаги таърифи ва талқинини яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлидан бориб, учинчи ренессанс асосларини яратишнинг стратегик омилларини белгилар экан, биринчи навбатда, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган мутахассис кадрларга эҳтиёж сезади. Инсон характери, нутқи, фаолият мутаносиблигини асослаш зарурати характер ифодаловчи бирликларни белгилаб олиш, уларнинг семантик таҳлилинини амалга ошириш, “характер” тушунчасини ифодалашнинг лексик-семантик шаклларини белгилаш, фалсафа, психология фанлари интеграцияси нуқтаи назаридан тавсифлаш, характер-темперамент муносабатларини ёритиш, миллий характер хусусиятлари ва индивидуал характер белгиларини тадқиқ этишнинг долзарблигини асослайди. Ўзбек тилидаги характер ифодаловчи бирликлар тадқиқи мамалакатимизда олиб борилаётган тил сиёсатининг “ўзбек тили ўқув лексикография тармоғини ривожлантириш, замонавий янги авлод учун ўқув луғатларини тузиш ҳамда уларнинг электрон шаклларини соҳалар бўйича миллий терминологик тизимни такомиллаштиришдек¹” устувор вазифаларини амалга оширишнинг туб негизида туради. Бу ўз ўрнида антропоинант бирликларга алоҳида гуруҳ сифатида ёндашиш, уларнинг лексик, фразеологик, паремиологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 ноябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // lex.uz.

луғатларини тузишга қаратилган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва ўзбек тилидаги терминологик тизимини шакллантиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПФ-4797-сон “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-451-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Характер мавзуси антик давр илм-фанининг қизиқиш доирасида бўлгани билан эътиборга молик. Хусусан, трагик асар қахрамонлари характери инсон хатти-ҳаракатларининг марказига қўйилди². Характер ҳам фалсафа, ҳам адабиётшунослик илмининг тадқиқот объектига айланди. Айни мавзу тадқиқи билан психологияда Г.В.Гегель, И.Г.Гердер, Р.Декарт, В.Гумбольдт, И.Кант³ ва бошқа бир қатор олимлар шуғулланган бўлиб, бугунги кунга қадар характернинг 1000 дан ортиқ таърифи мавжуд. Характер категориясининг йирик масштабда, социал муҳит ва ундаги омиллар таъсирида ўрганилиши О.Леонгард, С.Шмишек⁴ изланишлари, хусусан, характерни ўрганишга оид тестларнинг жорий қилиниши билан боғлиқ.

Рус тилшунослигида мазкур бирликларнинг антропоцентрик жиҳатлари Л.А.Власова, И.А.Волошкина, С.А.Гурская, М.А.Львовна, А.В.Грынко, З.А.Голованова, Динь Тхи Тху Хуен, Л.Р.Ермакова, Е.В.Коралёва, Н.Ю.Лукашевич тадқиқотларда ўз ифодасини топган⁵. Тожик тадқиқотчиси

²Арасту. Поэтика.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 40-48.

³Коллектив. Вопросы психоллингвистики //Научный журнал теоретических и прикладных исследований. – Москва, 2007. – С. 43.

⁴Сборник психологических тестов. Коллектив. Женский институт Энвила. Кафедра психологии. – Минск, 2005. – 110 с.

⁵Власова Л.А. Темперамент и его проявления в лингвистических характеристиках и психологических компонентах речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2007. – С.51; Волошкина И.А. Фразеосемантические поле характер человека на материале французского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2009. – С.29; Гурская С.Л. Имена существительные общего рода, характеризующие человека в ярославских говорах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ярославль, 2010. –С.24; Динь Тхи Тху Хуен. Русские фразеологизмы со значением характера человека с позиции носителя вьетнамского языка: Автореф. Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2001. –С. 44; Коралёва Е.В. Нестандартные коммуникативные ситуация с участием представителей разных психологических типов темперамента (на материале судебной речи): Автореф. дисс. ... канд. псих. наук. – Москва, 2004. – С.66; Лукашевич Н.Ю. Когнитивно-семантический анализ предикатов, обозначающих черты характера человека: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2004. – С.16; Макарова Н.Г. Гендерные различия в проявлениях волевых черт характера:

М.Сулаймонова немис ва ўзбек тилидаги характер ифодаловчи фразеологик бирликларни қиёсий метод асосида тадқиқ қилган⁶.

Ўзбек тилшунослигида характер-хусусиятни акс эттирувчи сифатлар⁷, сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар⁸, паремалар атрофлича ёритилган ва тавсифланган. Ш.М.Искандарованинг “шахс микромайдони”⁹ хусусидаги қарашлари ўзбек тилида характер хусусидаги антропоцентриқ тадқиқотларга пойдевор вазифасини ўтади. Д.А.Тошева¹⁰ диссертациясида “хайвон” маъносини акс эттирувчи сўзларнинг инсон характер-хусусиятларига ишора қилиши хусусида қарашлар мавжуд. М.Вафоева¹¹, Ф.М.Ибрагимова¹² изланишлари лингвокультурологик аспектда бўлиб, ўзбек тилидаги таом номлари, озиқ-овқат номларининг миллий характерни акс эттиришда қўлланиш ўринлари хусусида асосли хулосалар баён қилинган, бироқ юқоридаги тадқиқотларда характер ифодаловчи бирликлар шарҳланган ва таърифланган бўлишига қарамай, алоҳида монографик планда тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тил масалаларининг антропоцентриқ тадқиқи” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги антропоминант бирликларнинг семантик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Автореф. дисс. ... канд. псих. наук. – Москва, 2004. – С.41; Мордвина-Щодро О.А. Антонимосинонимические блогы предглагольных, называющих черты характера: лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2007. – С.56; Наженко Е.В. Этнокультурная специфика стереотипов-концептов национального характера: “уверенность в себе”, “патриотизм”, “успешность”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Кемерово, 2008. – С.53; Семушина Е.Ю. Сопоставительный анализ субстантивных фразеологических единиц и сложных слов, семантический ориентированных на характер человека в английском и русском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2004. – С.121; Терехова Н.В. Семантико-функциональный анализ имен прилагательных со значением характер человека в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2002. – С.69.

⁶Сулаймонова М.А. Фразеологические единицы качественной характеристики человека в немецком и узбекском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. – Б.33

⁷Махмуд Кошғарий. Девони лугатит турк. – Алматы: Дайк-пресс, 2005. – С.25; Алишер Навоий. Мухокамат ул-луғатайн / Алишер Навоий. Танланган асарлар.14 жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.141-144; Фитрат А. Сарф. –Тошкент, 2006. Танланган асарлар. IV жилд. – Б.140; Маъруфов З. Сифат. Ҳозирги замон ўзбек тили (лексикология, фонетика, графика, орфографика, морфология). – Тошкент, 1957; Қўлдошев М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сифат ясовчи маҳсулдор аффикслар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф.–Тошкент, 1995. – 22-б.

⁸Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (Фразеологик полисемия, синонимия, антонимия ва омонимлик): Филол. фан. докт. ... дисс.–Тошкент, 1966. – Б.326; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.330.

⁹Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. – 50б.

¹⁰Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: филол. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2017. – 69 б.

¹¹Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол. фан. номз. ... диссер. автореф. –Тошкент, 2009. – 53 б.

¹²Ибрагимова Ф.М. Бадиий матнда эллипсис ва антиэллипсис: Филол. фан. номз. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2011.–53 б.

характер ифодаловчи бирликларни темперамент билан алоқадорликда таҳлил қилиш;

ўзбек тилидаги антропоминант бирликларнинг шахснинг муносабатлари асосидаги таснифини амалга ошириш;

ўзбек тилида шахс характериға ишора қилувчи коннотатив лексемалар семантикасини тавсифлаш ва бадий матн асосида эмоционал-экспрессив жиҳатдан ўзига хослигини кўрсатиш;

шахс характериға ишора қилувчи фразема ва мақоллар семантикасини ёритиш, баҳо семалари ва маданий семаларни ажратиш;

характер ифодаловчи бирликлардаги семантик парадигмаларни таҳлил қилиш;

ўзбек тили антропоминант бирликларининг семантик моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини “Ўзбек тилининг изоҳли луғати¹³”, “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати¹⁴”, “Ўзбек халқ мақоллари¹⁵” да акс этган характер ифодаловчи лексемалар, фраземалар, паремиологик бирликлар, бадий матнлардаги ўзига хос антропоминант сўзлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилидаги характер ифодаловчи бирликларнинг темперамент, руҳият билан боғлиқ бўлган семантик хусусиятлари, семалари таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда анализ, синтез, тизимли таҳлил, компонент таҳлил, тавсифий, таснифий, қиёсий, чоғиштирма, статистик таҳлил ҳамда моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

характер ифодаловчи бирликларнинг психологик, лингвистик, лингвомаданий белгилар уйғунлашган лисоний-когнитив манзара кодлари сифатида ахборот бериш ва узатиш билан боғлиқ коммуникатив, сўзловчининг шахсий муносабатларини ифодалашга доир эмоционал-экспрессив хусусиятлари лингвистик-семантик, лингвокультурологик нуқтаи назардан очиб берилган;

инсон характер-хусусиятини ифодаловчи бирликларнинг унга хос бўлган ақл, дид, фаросат, иқтидор кўрсаткичларини акс эттирувчи темперамент тушунчаси билан алоқадорлиги ва айни вақтда ёндош ҳодисалар эканлиги, уларни лингвистик жиҳатдан фарқлаш зарурати психолингвистик аспектда далилланган;

шахс характериға ишора қилувчи фразема ва мақолларнинг маъновий гуруҳлари, инсонга хос ижобий ва салбий баҳони ифодалашга доир

¹³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти, 2006. V жилд.

¹⁴Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

¹⁵Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Фан, 1983.

эксперссив-эмоционал жиҳатлари ва миллий лисоний манзарадаги маданий семалари синонимик, антонимик парадигмалар мисолида очиб берилган;

Ўзбек тили антропоминант бирликларининг миллий лисоний манзара учун хос бўлган лексик, фразеологик, паремиологик гуруҳлари таснифи ва моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилида характер ифодаловчи бирликларнинг лексик, фразеологик, паремиологик фонди аниқланган;

маълум бир семантик мазмун билан боғланган, синонимлик муносабатида бўлган фразеологик бирликлар семантикаси очиб берилган;

бадий матнларга хос инсон характер-хусусиятини ифодаловчи сўз, сўз бирикмаси ва фраземаларнинг ўзига хос семантик жиҳатлари далилланган;

Ўзбек тилида характер тушунчасини кўчма маънода ифодалаш асослари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методологик мукамаллиги ва методик жиҳатдан тўғри эканлиги, антропоминант бирликлар таҳлилининг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилганлиги, олинган хулосаларнинг замонавий тилшунослик талабларига мувофиқ келиши, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, жаҳон ва ўзбек тилшунослигида лексикологияга оид амалда исботини топган манбаларга таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, дунё лингвокультурологиясида чуқур таҳлил қилинган оламнинг лисоний манзараси ва антропоминантлар гуруҳининг ўзаро алоқадорлиги ўзбек тилининг лексик, фразеологик, паремиологик фонди таснифи асосида ёритилган бўлиб, лексикология, матн тилшунослиги, семантика йўналишидаги тадқиқотларда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги умумлашма ва таснифлардан ўзбек тили ва адабиёти факультетларида “Лексикология”, “Лингвокультурология”, “Психолингвистика”, “Семантика” фанларидан маъруза матнларини тайёрлаш, амалий ва семинар машғулотларини ташкил этиш, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилининг антропоминант бирликларини тадқиқ қилиш баробарида чиқарилган назарий ва амалий натижалар асосида:

миллий лисоний манзара, миллий тилни ўрганишда маданий белги тушунчаси, қардош бўлмаган тиллар қиёси хусусидаги хулосалардан Наманган давлат университетида бажарилган Erasmus + дастурининг “UZCOD 2.0: Furthering the Quality of Doctoral Education at Higher Education Institutions in Uzbekistan” (573703-EPP-1- 2016-1-BE-EPPKA2 - CBHE-SP) (2017-2019) номли лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03-5124-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг тил ўқитиш тизимини

такомиллаштириш, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини қардош ва қардош бўлмаган тиллар билан чоғиштирма аспектда кўрсатиб бериш хусусидаги назарий маълумотлари бойитилган;

инсон характер-хусусиятларига ишора қилувчи сифатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, антропоминант фразеологизмлар ва кўчма маъноли сўзлар: зоонимлар, соматизмлар, табиат ҳодисалари номлари, касаллик номлари, диний тушунчаларни ифодаловчи лексик қатлам хусусидаги хулосалардан Андижон давлат университетида “Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини оширишнинг замонавий усуллари” мавзусидаги А-1-126 рақамли амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03-5124-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг ўқитиш тизимининг тадрижийлик, мавзуй жиҳатлари хусусидаги қисми кенгайтирилган;

миллий лексик колорит, миллий характер, миллий тил ва миллий менталитет, маданият ва тил ўртасидаги алоқаларга доир хулосалардан Ўзбекистон давлат хореография академиясида “Ўзбек рақс санъати терминологияси” мавзусидаги ПЗ-20170930188-рақамли амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 4 январдаги 05-12-10-14-сон маълумотномаси). Натижада миллий маданият бирикмасининг мазмун кўлами хусусидаги ўринлар ойдинлашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 128 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** қисмида мавзу тадқиқининг аҳамияти ва зарурияти, дунё, рус ва ўзбек тилшунослигида характер ифодаловчи бирликлар тадқиқи доирасида амалга оширилган изланишлар, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, амалий аҳамияти, янгиллиги хусусида фикр юритилган. Шунингдек, диссертация иши апробацияси, жорийланиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

“Характер ифодаловчи лисоний birlikларнинг антропоцентрик талқини” деб номланган биринчи боб уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим

“Оламнинг лисоний манзараси ва миллий характер муносабати” деб номланади. Ушбу бўлимда характер ифодаловчи бирликлар тадқиқида оламнинг лисоний манзараси, миллий характер, миллий менталитет, миллий характерни шакллантирувчи омиллар хусусида фикр юритилган.

Инсон характер-хусусиятига ишора қилувчи бирликлар таҳлилига оид аксарият тадқиқотлар оламнинг лисоний манзараси ва антропомиант кўчма образларнинг психологик, лисоний ва когнитив илдизларини кўрсатиш билан бошланган. Ўзбек тили антропомиант фондини таҳлилга тортишдан олдин унинг лисоний, семантик, лингвомаданий, когнитив асосларини ёритиш ўринлидир.

Онда захира кўринишида мавжуд бўлган ҳар қандай билим инсон онгидаги лисоний манзарадан ўрин эгаллайди¹⁶. Инсон ва унинг нутқ идрок этишидек мураккаб ва серқирра жараёни таърифлашга интилиш қадимги антик дунё илм-фанининг мавзуси сифатида қаралган¹⁷. Тил, лисон ва нутқ ҳодисаларининг алоҳида ҳодисалар сифатида талқин этила бошлаганлиги тилшуносликнинг том маънодаги ютуғи бўлди¹⁸. Алоҳида психик, физиологик, функционал жараён асосида ҳосил бўлувчи ушбу ҳодисаларнинг ҳар бирини атрофлича, чуқур таҳлил қилиш имкони юзага келди. Хусусан, мия, онг ва унда нутқ ҳосил қилиш учун хизмат қилувчи воситаларнинг ишлаш механизми, тузилиши ва бу жараёнда иштирок этувчи бирликларни ажратиш, тавсифлаш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, дунё тилшунослиги юқори тараққиёт нуқтасига етган ҳозирги вазиятда тил ҳодисалари, тил бирликларининг воқеликни акс эттириш имкониятларини ёндош соҳалар ютуқлари асосида таҳлил қилиш зарурати ҳам мавжуд.

Бўлимда миллий характер, миллий менталитет, миллий руҳ тушунчалари тавсифи келтирилади. Миллий характер, ҳаттоки, миллий тилнинг шаклланишидаги яшаш муҳити, макон, турмуш тарзи, диний эътиқод омилларининг ўрни ёритилган тадқиқотлар шарҳланади, уларга муносабат билдирилади. Миллий ва индивидуал характер тушунчаларини фарқлаш лозимлиги таъкидланади.

Характер деганда биринчи навбатда киши онгида шахсининг индивидуал хусусият белгилари жонланади. *Миллий характер* ва *инсон характери* тушунчалари нисбийдир. Бу тушунчалар уйғунликда талқин қилинмоғи керак. Негаки, ҳар қандай индивидуал характерда миллийлик, миллатга хос белгилар акс этади. Ўз навбатида, миллий характер индивидуал хусусият белгилари мажмуидир.

¹⁶Mobiladze I. The linguistuc image og the world. – Tblisi, 2012. – 103 p.

¹⁷<http://sites.google.com/site/englishproverbsandsaying/home/ponyatiya/mentalitet>.

¹⁸Аминова М.Н. Инглиз ва ўзбек тилларидаги дипломатияга оид лексик бирликларнинг лингвомаданий аспекти: Филол. фан. номз. ... диссер. автореф. –Тошкент, 2010. – Б.8.

Тилшуносликда инсон характер-хусусиятларини ифодаловчи бирликлар антропоминантлар термини остида тадқиқ қилинган¹⁹. Бўлимда ўзбек тилидаги антропоминантлар тадқиқининг лингвокультурологик асослари ёритилди. Антропоминантларнинг когнитив хусусиятлари таҳлил қилинди.

“Характер ва темперамент муносабати” деб номланган иккинчи бўлимда характернинг темпераментга алоқадорлиги масалалари таҳлил қилинди. Темперамент категорияси тадқиқи замонавий психологиянинг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Темпераментга бўлган қизиқиш қадимги дунё тарихидан бошланган бўлиб, Гиппократ, Гален замонидаёқ турли назариялар асосида талқин қилина бошлаган²⁰. Темпераментга доир мулоҳазаларнинг деярли барчасида учрайдиган, темпераментнинг моҳиятини кўрсатувчи жиҳат – инсоннинг исталган фаолият турида муваффақият қозониши ва ёки аксинча, омадсизликка учрашига сабаб бўладиган хусусиятлар мажмуаси эканлигидадир.

Характер-хусусиятлари инсонларнинг жамиятда ҳукмрон бўлган одоб-ахлоқ нормаларига ҳамда жамият аъзоларига бўлган муносабатини кўрсатади. Темперамент инсоннинг маълум бир фаолият жараёнида кўзга ташланадиган қирраси бўлиб, инсоннинг шахсий ўсиши учун ёрдам берадиган хусусиятларни ўз ичига олади. Масалан, инсоннинг ақл, дид, фаҳм-фаросат билан боғлиқ бўлган жиҳатлари темперамент кўрсаткичидир. Темперамент хусусиятлари ҳам характер-хусусиятлари сингари муносабат асосида воқеланади, характер сингари инсоннинг таърифида асосий кўрсаткичлардан бири сифатида келтирилади, бироқ темпераментнинг асоси инсон туғилиши биланок унда пайдо бўлиши билан изоҳланади²¹. Характер инсонда ижтимоий муҳит, социал мансублик ва бир қатор ташқи омиллар асосида пайдо бўлади, темперамент кўрсаткичлари инсонда болалик чоғидан бошлаб намоён бўлади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, темперамент ҳам худди характер сингари динамик ҳолатда бўлади, ўсади ва кенгаяди, бироқ характердан фарқли равишда мутлақо ўзгариб кетмайди. Характер, темперамент, ахлоқ қоришиқ ҳолда мавжуд бўлса-да, алоҳида ҳодисалардир. Ўзбек мумтоз манбаларида, шу жумладан, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”да²², Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”²³ асарида характер, соғлиқ, нутқ, уйқунинг инсон миждозига боғлиқ эканлиги айтилган.

Замонавий психология илмида темпераментга ёндашувнинг икки кўриниши: структур ва типологик ёндашув турлари мавжуд. Структур ёндашув вакиллари темпераментни тушунтиришда, белгилар мажмуасини асосий ўринга қўядилар. Структур ёндашувнинг йирик намояндалари С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов, В.Д.Небилицин, В.С.Мерлин, А.И. Крупнов,

¹⁹Филимонова Н.В. Фразеологизмы, номинирующие человека по чертам характера, в русском и немецком языках: структурный и семантический аспекты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2011. – С.16.

²⁰Ғозиев Э. Умумий психология. – Тошкент: Университет, 2002. – Б.94.

²¹Ян Бинь. Этнопсихологические особенности темперамента и общительности у китайских и российских студентов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2004. – С.24.

²²Ибн Сино Абу Али. Тиб қонунлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1983.– Б. 13.

²³Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. – Тошкент: Чўлпон номидаги халқ мероси нашриёти, 2007.– Б. 18

Я.Стерляю, М.Зиккермандир²⁴. Типологик ёндашув вакиллари эса йўналиш номидан келиб чиққан ҳолда темпераментни турларга ажратадилар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга бўладилар. Бугунги тўрт темперамент айна типологик ёндашув вакилларининг хизматидир.

Темперамент шахсиятни шакллантирувчи ва инсонлараро муносабатда воқеланувчи ҳодиса. Темпераментнинг мулоқот жараёнида намоён бўладиган ҳолати – инсоннинг мулоқотга ва мулоқот мавзусига тез кириша олиши ва ёки аксинча мулоқот жараёнига киришиб кета олмаслиги, мулоқот жараёнида мутлақо тормозланиб қолиши каби ҳолатларда намоён бўлади. Киришимлилиқ характер-хусусиятидан кўра кўпроқ темперамент кўрсаткичига мос келади, бироқ инсонлараро мулоқот муҳитида инсон хусусида қилинган хулоса ҳар доим ҳам етарли бўлмайди. Мулоқот жараёни вақт жиҳатидан чекланган ва унда инсон ўз темперамент хусусиятларини тўлиқ намоён қила олмайди.

Инсондаги дид, ақл, фаҳм-фаросатни ифодаловчи сўзлар унинг темпераментини акс эттиради²⁵. Характер бу темперамент эмас, балки ундан келиб чиқадиган, нисбатан ўзгарувчан белгилардир. Жаҳлдорлик, серғайратлик, изланувчанлик, қизиққонлик, ўзини тута олмаслик, кек сақлаш характери холерик темпераментли шахсларда кузатилади. Ҳазилкашлиқ, қувноқлик, тиришқоқлик, яратувчилик, эътиборсизлик, ваъдада турмаслик белгилари сангвиник темпераментдаги шахсларда учрайди. Флегматиклар вазмин, сабр-тоқатли, тортинчоқ, жимликни хуш кўриш, вазифани сидқидилдан бажариш характер-хусусиятига эга бўладилар. Тортинчоқлик, таъсирчанлик, кучсизлик, тиришқоқлик, камгаплиқ, ёлғизликни хуш кўриш белгилари меланхоликларга хосдир.

1-жадвал

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да темперамент кўраткичли сўзлар

Ақл билан боғлиқ (ижобий)	Фаросат билан боғлиқ (ижобий)	Дид билан боғлиқ (ижобий)
<i>ақлли, зийрак, фаҳмли, хушёр, билгир, билгич, билимдон, билимдор, билимли, доно</i>	<i>батамиз, фаросатли</i>	<i>дидли</i>
Ақл билан боғлиқ (салбий)	Фаросат билан боғлиқ (салбий)	Дид билан боғлиқ (салбий)
<i>ақлсиз, аҳмоқ, тентак, билимсиз, галварс, лакалов, меров, нодон, лодон, оми</i>	<i>бетамиз, бефаросат, бефаҳм, калтафаҳм, камфаросат, камфаҳм, фаросатсиз</i>	<i>дидсиз</i>

²⁴Власова Л.А. Темперамент и его проявления в лингвистических характеристиках и психологических компонентах речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2007. – С. 28.

²⁵Ломтатидзе О.В. Влияние особенностей темперамента на формирование симпатий и антипатий у девушек. Уральский государственный профессионально-педагогический университет, 2008.

“Характер категориясининг лисоний тавсифи” деб номланган учинчи бўлимда характер категориясининг психология ва адабиётшунослик илмидаги талқини келтирилган. Ушбу талқинлардан келиб чиққан ҳолда “характер” тушунчасининг лингвистик тавсифи берилган.

“Характер” тушунчаси психологияга тааллуқли категория ҳисобланади.

Характер [юн. *charakter* — фарқланувчи хусусият, белги] 1. Одам, нарса ва ходисаларнинг ўзига хос кўриниши, хусусияти; бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони. 2. Одамнинг хатти-ҳаракати ва атроф-муҳитга муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусияти, ички маънавий барқарорлиги. 3. Адабиёт ва санъатда: хусусий белгилари мукамал тасвирланган ва ўзида феъл-атворнинг тарихан аниқ типини мужассамлантирган, шунингдек, муаллифнинг маънавий-эстетик концепциясини ифодалаган инсон образи (ЎТИЛ.4.384).

Тадқиқотимиз предмети сифатида иккинчи маънодаги *характер* сўзи олинган. *Характер* сўзининг учинчи маъноси адабиётшуносликка доир термин ҳисобланиб, биринчи ва иккинчи маънога алоқадорлигини семантик таҳлил орқали кузатиш мумкин. Бугунги кунга келиб, учинчи маъно махсусланиб, терминга айланган. Семантик усулда “образнинг мукамал типини” маъносидаги янги лексема шаклланган. Адабиётшуносликдаги *характер* терминини инсон феъл-атворини ифодаловчи *характер* атамасига нисбатан омоним сифатида баҳолаш мумкин.

Характер инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, диний, ирқий, жинсий, минтақавий омиллар асосида шаклландиган, муҳитга муносабат кўринишида юзага келадиган бир бўлаги²⁶.

Инсон характери тилда лексема ва барқарор бирикмалар орқали ифодаланади.

“Ўзбек тилида характер ифодаловчи лексемаларнинг семантик таҳлили” деб номланган иккинчи боб уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим **“Инсон характери ифодаловчи лексемаларнинг семантик гуруҳлари”** таҳлилига бағишланган. Инсон характери билдирувчи лексемалар ўз ва ўзлашган қатлам бирликларига ажратилган. Ҳозирги ўзбек тилида характер ифодаловчи ўзлашма қатлам лексемалари кўп учраши, аксарият ўз қатлам бирликларининг архаизмга айлангани қайд этилган. Туркий қатламга оид лексемалар тарихий ёзма манбаларда учрайди. Жумладан, “Девони луғотит турк”да *алук* (кучли, матонатли), *ирик* (меҳнаткаш, жасоратли), *усрик* (дангаса, уйқучи), *алжақ* (бағрикенг, гўзал хулқли), *азку* (эзгу, яхши инсон маносида), *ивак* (сабрли), *утун* (виждонсиз), *армақу* (эринчоқ, дангаса), *ажиглиг* (қаноатли) каби инсон характери билдирувчи сўзлар қўлланган²⁷. “Қутадғу билиг” асарида ҳам инсон характер-хусусиятларини ифодаловчи сўзлар учрайди: *кўни*, *чин* (тўғри, ростгўй инсон маъносида), *қамуз* (хасис), *байўрсақ*, (меҳрибон), *ersig* (мард, жасур), *ariy* (тоза), *alčağ* (саховатли, юмшоқ кўнгилли), *umdučī* (тамагир), *saran* (хасис), *irig* (дағал, қўпол), *ersäl // irsäl*

²⁶Tosheva D. “Характер”, “temperament” va “shaxsiyat” tushunchalarining lingvistik ifodasi // Лингвист. – № 3. – Тошкент, 2012. – 115 б.

²⁷Девони луғотит турк. Индекс луғат. – Тошкент, 1967. – 547 б.

(бевафо), *qordaq // qovdaq* (бахил, қизғанчиқ, очкўз), *özkäy* (содиқ) ва шу каби²⁸. “Қутадғу билиг”да *характер* сўзининг туркий муқобили бўлган *қилинч* сўзи қўлланган. Асарда унга синоним сифатида ишлатилган *қилиқ* сўзи ҳозир ҳам қўлланади.

Лексема кўринишидаги характер ифодаловчи бирликларни мавжуд таснифларга таянган ҳолда қуйидагича гуруҳладик:

1. Ўзгаларга бўлган муносабат характери ифодаланган лексемалар: *беминнат, беозор, дардкаш, иззатли, имонли, инсофли, итоатғўй, итоаткор, итоатли, ичқуяр, ишонувчан, одамохун, соддадил, халқпарвар, холис* (жами: ижобий – 99 та; салбий – 237 та).

2. Меҳнатга муносабат характери ифодаланган лексемалар: *меҳнаткаш, омилкор, саранжом, саришта, серҳафсала, собитқадам, соҳибкор, тадбиркор, тажрибали, талабчан, ташаббускор, тиришқоқ, фаол, фидокор, шижоатли, зайратли, ҳафсалали* (жами: ижобий семали – 46 та; салбий семали – 23 та).

3. Нарса-ҳодисага муносабат характери ифодаланган лексемалар: *ватанпарвар, иқтидорли, тежамкор, тинчликсевар, қизиқувчан, қўрқмас, илмпарвар, ихлосли, мияли, номусли, сўзамол* (жами: ижобий семали – 51 та; салбий семали – 83 та).

4. Ўзига муносабат характери ифодаланган лексемалар: *бардошли, жўшқин, забардаст, замонасоз, изланувчан, интилувчан, камтар, камтарин, шаддод, ювош* (жами: ижобий семали – 10 та; салбий семали – 34 та)

Ушбу таснифлаш нисбий, албатта. Инсон бир характер-хусусиятини жамоага, меҳнатга бўлган муносабатида намоён қилиши мумкин. Масалан, характерловчи *лоқайд* лексемасини олиб кўрайлик. Инсон бир вақтнинг ўзида жамоага, ўз касбига нисбатан лоқайд бўлиши мумкин. Бизнингча, ушбу муносабатлар доирасида акс эттирилиши лозим бўлган бошқа муносабатлар ҳам мавжуд. Хусусан, инсоннинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи характер-хусусиятларини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Фикримизни икки мисол орқали асослаймиз. *Художўй, худобеҳабар, намозхон, атеист, даҳрий, тақводор* каби лексемаларда инсоннинг динга бўлган муносабати акс этади. Муносабатлар доираси нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, инсоннинг диний қарашлари ва унга бўлган муносабати юқорида келтириб ўтилган тўрт тасниф гуруҳидан кескин фарқ қилади. Кишининг ўзига бўлган муносабатида сезги аъзолар орқали қабул қилиш жараёни эмас, ҳиссий қабул амалга оширилади. Динга бўлган муносабатга инсон ўзи мансуб бўлган, сиғинаётган объектни сезги аъзолари орқали қабул қила олмайди. Бу борада инсон имкониятлари чекланган. Ушбу муносабат турида бевосита алоқа ҳам амалга ошмайди. Инсон Илоҳ ҳақидаги билимлар хусусида чекланган, лекин бу сабабларнинг ҳеч бири муносабатнинг юзага келишига тўсқинлик қила олмайди. Бу муносабатда ишонч асосий роль ўйнайди. Ушбу фикрга асосланиб, тасниф гуруҳлари сонини бештага келтириш мумкин:

²⁸Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси: Филол. фан. фал. док. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2019. – Б.13.

Инсоннинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи ижобий семали лексемалар: *жаннати, мусулмон, худоғўй, худоғжўй, худонараст, худотарс.*

Инсоннинг динга бўлган муносабатни ифодаловчи салбий семали лексемалар: *атеист, бетавфиқ, безътиқод, бидъаткор, даҳрий, динсиз, дўзахи, мункир, худобеҳабар, худосиз, шаккок.*

Иккинчи бўлим “Ўз маъносида характер ифодаловчи лексемалар семантикаси” сига бағишланган.

Бир қатор лексемалар инсон характерини ифодалаш учун хосланган, ўз маъносида шахс белги-хусусиятини билдиради: а) ижобий характерни ифодалайди: *беозор, вазмин, вафодор, вафоли, имонли, меҳрибон, мулойим, мулозаматли, муомалали, мурувватли, одил, садоқатли, самимий, содиқ, солиҳ, танти, хуштабиат, хуштакаллуф, хушфеъл, хушхулқ;* б) салбий характерни ифодалайди: *аблаҳ, адабсиз, адолатсиз, айёр, баджаҳл, баднафс, бадният, бадқовоқ, бағритош, беор, бесубут, бетавфиқ, вафосиз.*

Ўз маъносида инсон характерини ифодаловчи лексемаларда, асосан, характер ҳақидаги тушунча акс этади. Биз ўз маъносида характер тушунчасини ифодалаган лексемаларда баҳо семаси ёки маданий сема бўлмайди, деган фикрдан йироқмиз. Бундай бирликларда ҳам баҳо семаси ёки маданий сема мавжуд бўлади. Фақат бу семалар потенциал ҳолатда бўлади, яъни вазиятга қараб реаллашиши мумкин. Масалан, *сахий* сўзи шунчаки ижобий семали тушунчани ифодалаб қолмайди, шу тушунчага бўлган муносабатни ҳам акс эттиради. Мумтоз адабиётда сахийлик ўзига хос мезонлар билан ўлчангани акс этган: “мухтож бўлмаганларга эҳсон қилиш – сахийлик эмас”: *Берар тўнким – ул ялонғоч эмас, ёяр анга суфраким – ул оч эмас*” (Алишер Навоий).

Ўзбек тилидаги характер ифодаловчи лексемалар сифат ёки сифатдош семантик гуруҳига мансуб. Шундай сўзлар борки, улар инсонга хос жами ижобий характер-хусусиятларни акс эттиради. Масалан, *одам* – фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, шу туфайли бошқа ҳамма махлуқотдан устун турувчи жонли зот; киши, инсон (ЎТИЛ,3,84). *Одам* асосидан ҳосил қилинган бир қатор сўзлар инсон характерини умумлаштирувчи тушунча ифодалайди: *одам бўлмоқ* 1) “тарбият топиб, яхши фазилатларга, чин инсоний хислатларга эга бўлмоқ”; 2) кўчма. “тузалмоқ”; *одам бўлмаслик* “тузалмаслик, ахлоқсиз кўйда қолмоқ”; *одам қилмоқ* “тарбиялаб, чин инсонга, яхши фазилат соҳибига айлантирмоқ”; *одамгарчилик* “одамларга муҳаббат, меҳрибонлик; инсонга яхши муносабатда бўлиш; инсонийлик, инсонпарварлик”; *одамгарчилик қилмоқ* (кўрсатмоқ) “инсонпарварлик юзасидан иш қилмоқ, чин инсон каби муносабатда бўлмоқ”; “шафқат ва меҳрибончилик кўрсатмоқ, инсоний қиёфа, юриш-туриш”; *одамгарчиликдан чиқмоқ* “инсоний қиёфасини йўқотмоқ, ножўя юриш-туриш туфайли кишилар назаридан четда қолмоқ”; *одамийлик* “одамга, чин инсонга хос хислатлар; инсонлик”; “инсоний, инсонларча; *одамий* чин одам, ҳақиқий инсон, одамларга жонкуяр, одамга, чин инсонга хос хусусият; одамий қиёфа; *Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қилсанг тарбият, ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одамий* (Навоий).

“Кўчма маънода характер ифодаловчи лексемалар семантикаси”

деб номланган учинчи бўлимда кўчма маънода келувчи антропоминантлар таҳлил қилинган. Бир қатор лексемалар кўчма маънода инсон характери ифодалайди. Кўчма маънода характер ифодаловчи лексемалар қуйидаги семантик гуруҳларга ажратиб изоҳланди:

1. Инсон характери ифодаловчи илоҳий тушунчалар: *фаришта, шайтон, жаннати*. *Фаришта* сўзи “яхши хулқ-атворга эга бўлган ва гўзал (кўпинча аёллар) ҳақида” мазмунидаги кўчма маънода ижобий характерни ифодалайди. *Фаришта* бирлигида қуйидаги семалар намоён бўлади: “беғуноҳ”, “ёқимли”, “жозибали”, “беозор”, “мулойим”, “эзгуликка хизмат қиладиган”.

Шайтон кўчма маънода “айёр”, “қув”, “алдамчи”, “фирибгар”, “устамон” семалари орқали салбий характерни ифодалайди.

2. Инсон характери ифодаловчи соматизмлар: *ўпка, калондимоқ, дўғбўйин*. *Ўпка* I.1. *Анат.* Одам ва қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонларнинг кўкрак қафаси ичига жойлашган бир жуфт, конус шаклидаги нафас олиш аъзоси. *Ўпкаси йўқ* – ўта ҳовлиқма, фикр-мулоҳаза билан иш юритмайдиган. 2. *кўчма* Ўзини боса олмайди, ҳовлиқма шахсларга нисбатан, одатда, уларнинг исмига кўшиб (тиркаб) ишлатилади (ЎТИЛ, 5,157). Махмуд Кошғарийда *өркә* сўзи “ғазаб” маъносида келган. Бу маъно “ғазаб ўпкада пайдо бўлади” деган қарашдан келиб чиққан (ДЛТ, I, 148).

3. Инсон характери ифодаловчи зоонимлар. Ўзбек тилида *ит, чўчка, эшак, тўнғиз, бўри, мушук, илон, маймун, сизир, тўти* каби зоонимлар кўчма маънода келиб характер ифодалашга хизмат қилади. Зоонимлардан *бўри* (мард), *шер* (кўркмас), *ит* (садоқатли ва айни вақтда салбий маънода қайсар, очкўз ва ҳк.) кабилар ижобий характер-хусусиятни билдиради. *Тулки* зооними турли миллатларда ҳар хил характер-хусусиятни ифодалаб келади. Ўзбек халқи тарихида тулки “тадбиркорлик”, “уддабуронлик”, “садоқат” хусусиятларини билдирган ва айни вақтда салбий “айёр”, “хийлагар” характери англатиш учун қўлланади.

Зооним-антропоминантлар семантикасида антисемия ҳолати ҳам кузатилади. Масалан, *ит* ҳам ижобий, ҳам салбий характер маъносида қўлланади.

4. Инсон характери ифодаловчи касаллик номлари: *куйдирги, гаранг, дабба, мараз, мохов, хафагазак, хафақон, юракбуруғ, қутуриш*. *Куйдирги* – одамга ҳайвонлардан юқадиган, тери, меъда-ичак ва ўпкага зарар етказадиган ўткир юқумли касаллик (ЎТИЛ, 2,421). Аниқроғи, *куйдирги* – яра тури. *Куйдирги* натижасида инсон ва ҳайвон терисида шикастланган ўринлар пайдо бўлади. Жароҳат тиббий амалиётда куйдириб даволанган. *Куйдирги* тиббий терминида “жароҳат”, “оғриқ”, “азоб”, “ўрташ”, “тузалмас” семалари мавжуд. *Куйдирги* инсонга нисбатан қўлланганда озор етказувчи, зарар етказувчи, “куйдирувчи” характер-хусусиятларига ишора қилади. Характери ножоиз, номақбул ишлар қиладиган инсонларга нисбатан ишлатилади. Лексеманинг кўчма – “характер” маъноси йўлга солиш қийин бўлган, азоб-укубатга гирифтор қиладиган фаолият йиғиндиси асосланган.

Бобда қуйидаги семантик гуруҳлар ҳам изоҳланган:
инсон характерини ифодаловчи нарса-буюм номлари: *латта, намак(сиз), сунурги, тош.*

инсон характерини ифодаловчи табиат ҳодисалари номлари: *бўрон, елдириш, чақмоқ.*

инсон характерини акс эттирувчи яшаш ҳолати билан боғлиқ сўзлар: *бетартиб, бетаҳорат, ивирсиқ, ипириқчи, ирқит, исқирт, ифлос, палид, чиркин, яғир.*

Кўчма маънода инсон характерини билдирувчи лексемаларнинг қуйидаги семантик моделини ҳосил қилиш мумкин: **тушунча + баҳо семаси + маданий сема.**

Лексема кўринишидаги характер ифодаловчи birlikлар семантик жиҳатдан синонимик, антонимик муносабатларга киришади.

Лексема кўринишидаги характер ифодаловчи birlikлар, асосан, дериват семаларда намоён бўлади: *кўнгилчан, марҳаматли, меҳмондўст, мурувватли, одамшаванда, саботли, садоқатли.*

“Инсон характерини ифодаловчи барқарор бирикмаларнинг семантик таҳлили” деб номланган учинчи бобнинг мазмуни иккита бўлимда ёритилган.

“Инсон характерини ифодаловчи фраземаларнинг семантик таҳлили” бўлимида белги-хусусият билдирувчи фраземалар таҳлил қилинган.

Фразеологик birlikлар қайта номловчи birlik сифатида лисоний манзарада образли кўринишда бўлади²⁹.

Инсон характер-хусусиятларига ишора қилувчи фразеологик birlikларнинг аҳамиятли томони шундан иборатки, уларда инсонни тасвирлашга қаратилган сўз жамланмаси мавжуд бўлади ва кўплаб birlikларда ушбу вазифани сифат ва равиш, камдан кам ҳолатларда феъл сўз туркумига оид сўзлар бажаради. Эксплицит идентификаторлар фразема мазмунида акс этган белгини тўғридан-тўғри кўрсатади. Имплицит³⁰ идентификаторлар эса фразема мазмунида кўзда тутилган мазмунга билвосита, мажозий образ орқали ишора қилади³¹.

Психолог олимларнинг қайд этишича, ҳар қандай характер шахсиятдан ўсиб чиқади. Демак, ҳар бир инсон – янги бир характер. Характер объектларининг кўп бўлиши характер ифодаловчи birlikларнинг ҳам шу миқдорда бўлишини таъминлайди.

Фраземаларнинг юзага келишида асосий кўчим усули метафорадир³². Фразеологизмлар таркибида қўлланаётган метфоралар кенгайган ва образли шаклда бўлади.

²⁹<http://idioms.thefreedictionary.com/foxes>. Farlex Partner Dictionary @Farlex 2017

³⁰ Мирбобоева М. Импликация тушунчасининг когнитив-прагматик аспектда талқин қилиниши // Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. – Тошкент, 2016. – Б.118-122.

³¹ Ибрагимова Ф.М. Бадий матнда эллипсис ва антиэллипсис: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 53 б.

³² Яковлева Е.С. Особенности фразеологических единиц с компонентом-зоонимом: Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2018. – С.177.

Фраземалар сўзловчи муносабатига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ўзгаларга бўлган муносабат характери ифодаланган фраземалар: *бозор кўрмаган* (содда, самимий инсон), *тилидан бол томадиган* (ширинсўз), *қўли очиқ* (сахий, танти), *кафтида тутадиган* (ҳурмат қиладиган): ижобий семали – 37 та; салбий семали – 43 та.

2. Меҳнатга муносабат характери ифодаланган фраземалар: *юлдузни бенарвон урадиган* (уддабурон), *тегирмонга тушса, бутун чиқадиган* (уддабурон), *ишга боши билан шўнғиган* (меҳнаткаш), *ишинг кўзини биладиган* (синчков), *тошни тошга урадиган* (эпчил), *жонини жабборга берадиган* (фидойи): ижобий семали – 16 та; салбий семали – 23 та.

3. Нарса-ҳодисага муносабат характери ифодаланган фраземалар: *етти ўлчаб бир кесмоқ* (мулоҳазали), *сув келса симириб, тош келса кемирадиган* (чидамли): ижобий семали – 14 та; салбий семали – 21 та.

4. Ўзига муносабат характери ифодаланган фраземалар: *қўй оғзидан чўп олмаган* (ювош), *бозор кўрмаган* (содда), *чумолига ҳам озор бермайдиган* (беозор).

Таҳлиллар ўзгаларга бўлган муносабат характери ифодаланган лексемалар, фраземалар миқдорининг нисбатан кўплигини кўрсатди. Бу натижа шахс характер-хусусиятини тавсифлашга эҳтиёж юқорилигидан далолат беради.

Инсон характерини ифодаловчи фраземаларни фразеологик-семантик майдон кўринишида шакллантириб, асосий урғуни фраземалар мазмунига қаратадиган бўлсак,³³ ушбу гуруҳлар “бағрикенглик”, “уддабуронлик”, “меҳнаткашлик”, “қатъиятлилик” гуруҳлари номи остида бирлашади. Ҳар бир гуруҳ аъзолари ўзаро синонимик муносабатда бўлади.

